

ISSN: 2450-8160

# Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa  
2021

## Editorial Team

---

**Editor-in-chief:** *Gontarenko N.*

---

### EDITORIAL COLLEGE:

---

**W. Okulicz-Kozaryn**, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

**L. Nechaeva**, *PhD, PNPUI Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

**K. Fedorova**, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

## ARCHIVING

*Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](http://ejournals.id) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.*

## PLAGIARISM POLICY

*The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.*

## About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N ([info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

**МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ,  
ФАЛСАФИЙ-ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР**

**Одил Рахматович Мусаев**

Ўзбекистон Миллий университети профессори,  
фалсафа фанлари доктори  
Турон Фанлар Академияси академиги

**Файзиев Зафар**

Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

**СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ФИЛОСОФСКИЕ И НАУЧНЫЕ  
КОНЦЕПЦИИ О МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ**

**Одил Рахматович Мусаев**

Профессор Национального университета Узбекистана,  
Доктор философских наук  
Академик Туранской Академии Наук

**Файзиев Зафар**

Научный сотрудник Национального университета Узбекистана

**Аннотация.**

*Мазкур мақолада этатистик, этнологик, этносоциал, этномаданий, этнопсихологик, ирқий-этноцентрик, трансцендентал, мультикультурализм концепциялар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Бизга маълумки, этатистик концепцияларда давлат миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатларнинг асосий субъекти сифатида таҳлил этилган*

**Калит сўзлар:** концепция, миллат, этнос, этномаданият, глобаллашув, кўймиллатлик, миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенглик, конфессия, политеизм.

**Аннотация.**

*В статье рассматриваются понятия статистического, этнологического, этносоциального, этнокультурного, этнопсихологического, расово-этноцентрического, трансцендентального, мультикультурализма. Как известно, в статистических концепциях государство рассматривается как главный субъект национальной политики и межнациональных отношений.*

**Ключевые слова:** концепты, нация, этнос, глобализация, многонациональность, межнациональные отношения, толерантность, конфессия, политеизм.

**Abstract.**

*The article deals with the concepts of statistical, ethnological, ethnosocial, ethnocultural, ethnopsychological, racial-ethnocentric, transcendental, multiculturalism. As you know, in*

*statistical concepts the state is considered as the main subject of national policy and interethnic relations.*

**Keywords:** *concepts, nation, ethnos, globalization, multinationality, interethnic relations, tolerance, confession, polytheism.*

Миллатлараро муносабатларни этносиёсий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун миллатлараро муносабатларга оид илмий-фалсафий концепцияларни таҳлил қилганда сиёсий омилнинг етакчи ўринга чиқишини эътироф этиш лозим. Чунки, миллатлараро муносабатлар тасодифий кечадиган, тўда ёки оломоннинг хоҳиш-иродаси, ҳис-туйғулари ифодаси эмас, балки улар этносларнинг, миллатларнинг туб манфаатларини ифода этадиган ижтимоий ҳодисалардир.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса пировард натижада сиёсий тузум, давлат ҳаётига бориб тақалади, сиёсий бошқарувнинг стратегик мақсадларига таъсир этади, ҳатто уларни трансформацияга учратади. Бироқ, миллатлараро муносабатларга фақат сиёсий воқелик сифатида ёндашиш етарли эмас, улар ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида кенг ёндашишни тақозо этади. Қуйидаги илмий-назарий концепцияларнинг йўналишлари ҳам буни исботлайди. Адабиётларни ўрганиш миллатлараро муносабатларга оид илмий-назарий концепцияларни қуйидагича таснифлаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

- 1.Этатистик концепция.
- 2.Этнологик концепция.
- 3.Этносоциал концепция.
- 4.Этномаданий концепция.
- 5.Этнопсихологик концепция.
- 6.Трансцендентал ёндашувлар.
7. Мультикультурализм ғояси

Мазкур классификацияни тўлдириш, унинг у ёки бу йўналиши билан баҳслашиш, ҳатто унинг айримларини инкор қилиш мумкин. Аммо улар бизнинг тадқиқотимиз мақсадига хизмат қилади ва муаммога оид фикр, қарашларимизни баён қилишга ёрдам беради.

Этатистик концепцияларда давлат миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатларнинг асосий субъекти сифатида қаралади. "Этат" французча сўз бўлиб, у "давлат" маъносида ишлатилади. Мазкур концепциянинг асосчиси италиялик юрист ва социолог Паскуаль Манчинидир. У ўзининг 1851 йили чоп эттирган "Миллат халқлар ҳуқуқларининг асоси сифатида" асарида давлатнинг бош сиёсий институт эканини, халқлар ҳуқуқлари, миллат манфаатлари асосига қурилишини очиб беради. Тўғри, П.Манчинини давлатнинг генезиси, миллатнинг шаклланишига таъсири каби сиёсий муаммолар эмас, балки давлатнинг ҳуқуқни, айниқса, миллий ҳуқуқий тизимни яратишдаги ўрни қизиқтиради[1].

Шунингдек, давлат ва миллат масалаларини Гегель ҳам тилга олган, бу борада у немис халқини марказлашган давлат, миллат сифатида шакллантирганини,

давлатнинг абсолют ҳуқуқи "таъминланиши" зарурлигини қайд этади[2]. Гегель таъкидига кўра, давлат умумий, фуқаро, корпорация, қатлам, халқ хусусийдир; умумий бўлган жойда тартиб, иерархия, муносабатлар зарур тарзда ташкил этилади. Қисмлар ўзини умумийдан ташқари қўйган заҳоти "сиёсий бутунлик" йўқолади. Монарх, давлат, ҳуқуқнинг вазифаси эса ушбу бутунликни, умумийликни сақлашдир[3]. Гегель умумий билан хусусий, бутун билан қисм ўртасидаги диалектик қарама-қаршиликни давлат ва халқ, миллат муносабатларига тадбиқ этади. Охир натижада қисм, хусусий буюк кишилар, бутун халқлар ҳаракати орқали умумий, давлат билан боғлиқлигини, ўзини чеклашга қаратилган метафизик мулоҳазалари орқали бутун, давлат билан алоқалар лозимлигини топади[4]. Шу тариқа, давлат билан бутун, умумий ижтимоий-сиёсий ва фуқаролараро муносабатларни йўлга қўядиган субъект, ҳар бир индивидуум ўзининг хатти-ҳаракатларини бутун, умумий, ҳозирги тил билан айтганда, консенсус, ўзаро келишув, муроса принципи асосида ижтимоий-сиёсий мақсадни белгилаб берувчи субъект давлатнинг стратегик мақсадига мувофиқлаштириши лозим. Лекин файласуф монархни, давлатни "абсолют ҳақиқат" даражасига кўтарган. Шунинг учун Гегелни танқид қилиб К.Поппер ёзади: Гегелнинг фикрларига кўра, "давлат принципи моҳиятан фикрдир, шундай экан, эркинлик, мушоҳада ва фан ҳам ундан (яъни давлатдан - М.О.)дир"[5]. Бу ўринда Гегелнинг давлатни, аниқроғи, монарх Вилгельем III ҳокимияти мутлақлаштиришга интилгани кузатилади. У "Монархия конституцияси юксак ақл конституциясидир, қолган барча конституциялар паст, қуйроқ ривожланиш даражаси ва ақлнинг амалий ифодасидир,"-деб ёзади[6]. Бу Гегелнинг демократия тарафдори бўлмаганини кўрсатади. К.Поппер эса Гегелнинг сиёсий фалсафаси урушга, "яъни миллатлар уруши", "синфлар уруши", "ирқлар уруши"га қурилган, ҳар бир давлат ҳудуди бир миллат эгаллаган ҳудуддан иборат бўлиши принципини, "юнонлар билан варварлар муносабати хўжайин билан қуллар муносабати" каби фикрларни илгари сурган, деб қаттиқ танқид қилади[7]. Аслида Гегелнинг давлатни "бутун" деб қараши Платонга бориб тақалади[8]. Давлатни, ҳокимиятни мутлақлаштиришга интилиш Н.Макиаввелли қарашларига ҳам хосдир[9]. Бироқ фақат П.Манчини, кейин Гегель давлатни миллий сиёсат ва миллий муносабатларнинг бош субъекти сифатида қарашни бошлаб бердилар. Уларгача фалсафий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларда Платон ва Геродот кўрсатган "эллин ва варварлар" тушунчаси сақланиб келган.

Этнологик концепцияларда давлатларни табиий кўпмиллатлилик ва сунъий кўпмиллатлиликка ажратиш кўзга ташланади.

Табиий кўпмиллатлилик - азалдан бир-бирига яқин турли халқларнинг бир ҳудудда ёнма-ён яшаши, асрлар давомида ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келиши, ташқи душманларга қарши биргаликдаги кураши билан боғлиқ умумий тарих, маданият, урф-одатлар, турмуш тарзи ҳамда менталитетидаги муштаракликнинг мавжудлиги ва кейинчалик бу ҳудудда ижтимоий тараққиёт тақозоси билан турли хил давлатларнинг таркиб топиши ва ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида

вужудга келган мамлакатлардир. Масалан, 1924 йилда Марказий Осиёда амалга оширилган ҳудудий чегараланиш оқибатида бир миллатга мансуб аҳолининг бошқа бир республика таркибига ўтиб қолганлиги табиий равишда кўп миллатлиликнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Ўзбекистонда ўз мустақил давлатларига эга бўлишига қарамасдан, қирғиз, тожик, қozoқ ва туркман миллати вакиллари истиқомат қилишади.

Сунъий кўп миллатлилик - турли ижтимоий омиллар, шунингдек, бошқа бир халқ томонидан иккинчи бир халқнинг босиб олиниши туфайли ва у халқлар устидан ўз ҳукмронлигини таъминлаш учун маҳаллий миллатларнинг миқдорий устунлигини камайтириш ниятида, жамиятнинг этник таркибини мураккаблаштириш мақсадида атайлаб, онгли равишда тили, дини, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи бошқа-бошқа халқларни мажбурий равишда у ерларга кўчириб келиниши натижасида вужудга келади.

Бундай ҳолни дунёнинг деярли барча минтақаларида кузатиш мумкин. Жумладан, Чор Россияси Марказий Осиёни босиб олгандан сўнг бу ўлкада ўз ҳукмронлигини таъминлаш учун Россиянинг марказий губернияларидан рус, украин, белорус ва бошқа халқлар вакиллари кўчириб келтирилган. Хусусан, мутахассислар фикрича, биринчи жаҳон уруши даврида Туркистон ўлкасига Польша, Балтиқбўйи минтақасидан 70 минга яқин киши кўчирилиб келинган. 1916 йилда бошланган эвакуациядан кейин поляк, латиш, эстон ва бошқа миллатлар вакилларида иборат 7-8 минг киши юртимизда доимий асосда яшаб қолди[10].

Советлар даврида ҳам шундай сиёсат давом эттирилди. Бунда кўп миллатлилик даражасининг юқори суьратларда ўсишига турли омиллар таъсир кўрсатди. "Масалан, СССР ХКСнинг "Янги заводларни малакали ишчи кучи билан таъминлаш режаси ҳақида"ги қарорига биноан давлат ташкилотлари йўли билан халқ хўжалигининг асосий тармоқларига бошқа республикалардан ҳар йили бу ерга 20 мингдан 40 минггача одам жўнатиб турилди.

Айни пайтда, 1930-1945 йилларда 60 дан ортиқ халқлар, улардан 15 таси тўлиқ депортация қилинди. Хусусан, республикамизга корейслар, қрим татарлари, немислар каби бир қатор халқлар вакиллари мажбурий тарзда кўчирилди. Тарихчи П.Поляннинг ёзишича, 1937 йилда Узоқ Шарқ жанубидан Қозоғистон ва Ўзбекистонга жами 9 минг хитой, 1940 йилда Ғарбий Украина ва Беларусиядан 61 минг поляк, 1944 йилда Қрим АССРдан фақат Ўзбекистонга 182 минг қрим татарлари, 42 минг грек, болгар, арман ва бошқа миллат вакиллари, Грузиядан эса асосан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонга жами 92 минг месхети турклари оммавий равишда депортация қилинган[11]. Натижада мамлакатимизда кўп миллатлилик сунъий тарзда ортган.

Ҳозир кўпмиллатлилик асосан моддий қашшоқлик, иқтисодий беқарорлик, миллатлараро келишмовчилик ва фуқаролар урушига тортилган мамлакатлардан ҳар хил йўллар билан кўчиб бораётган эмигрантлар ҳисобига юзага келмоқда. Демак, бундан буён ҳам ривожланган давлатларда кўпмиллатлилик ошса ошадики

камаймайди. Бу нарса айрим Европа давлатларини ташвишга ҳам солмоқда. АҚШ, Германия, Австрия, Франция ва Россия каби бир қатор давлатларнинг туб жой аҳолиси камайиб бораётгани, ушбу бўшлиқ миграция туфайли тўлдирилаётгани кузатилади. Кўшни давлат Хитойдан эса йилига ўрта ҳисобда 20 миллион аҳоли чет элларга ишлаш ва доимий яшаш учун чиқиб кетмоқда ҳамда улар асосан ривожланган давлатларга бориб жойлашмоқда. Агар аҳвол шу тариқа давом этса, яна 50-йиллардан сўнг юқоридаги давлатлар аҳолисининг деярли ярмини эмигрантлар ташкил этади[12]. Бундан ташқари, айрим давлатлар ўз фуқароларининг чет элларда яшаб қолишини рағбатлантирмоқдалар ҳам. Чунки у биринчидан, ўша мамлакатларда ишсизликнинг камайишига сабаб бўлса, иккинчидан, эса ундан келажакда ушбу мамлакатларда ўз мавқеларини мустаҳкамлашда фойдаланишни режалаштирмоқдалар.

Этносоциал концепцияларда халқ, миллат ва уларнинг ранг-баранг ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ўрни, ижтимоий муҳит ҳамда муносабатлар орқали миллатларнинг интеграциялашуви, ижтимоийлашуви масалалари тадқиқ этилади. Бу борада Ю.В. Арутюнян, Л.М. Дробижева, А.А. Сусоколов, Л.Н.Гумилев, Д.Майерс, З.В.Сикевич, А.А.Налчаджян, Д.Ноель, Ж.Фижин, А.Роус, Д.В.Ольшанский каби тадқиқотчиларнинг асарларини келтириш мумкин.

Марказий Осиёда этносоциал муносабатларни А.Пўлатов махсус тадқиқ этган. Унинг фикрига кўра, миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар кенг этносоциал жараёнларнинг таркибий, аммо "ядровий қисмидир". Марказий Осиё халқлари ўртасида тарихий шаклланган, дўстликка, ўзаро ёрдамга, интеграцияга, демографик, маданий алоқаларга қурилган муносабатларни янада чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш мустақил давлатлар миллий сиёсатининг асоси бўлмоғи керак. Бу борада ижтимоий-иқтисодий ва маданий гуманитар алоқаларни кенгайтириш, ҳар бир республиканинг суверенитетини ҳурмат қилиш, дўстона борди-келди муносабатларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир[13].

Этносоциал муносабатлар миллий сиёсат ва миллатлараро алоқаларнинг моҳиятини англаш ҳамда тадқиқ этиш учун ўзига хос "фон" вазифасини ўтайди. Шунинг учун этносоциал муносабатларни ўрганмай, улардаги трансформацион ўзгаришларни кузатмай, миллатлараро алоқаларнинг реал ҳолатини аниқлаш, прогноз қилиш ва у ёки бу томонга йўналтириш тактикасини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар ҳар доим этносоциал жараёнларни ўрганишга, улар орқалигина миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатларнинг рационал, стратегик мақсадларга мувофиқ кечишини таъминлайдиган дастурларни, режаларни ишлаб чиқишга рўпара қилаверади.

Этносоциал концепциялар социал-утопик, социал антропологик, социал культурологик (ижтимоий-маданий) ва социал психологик ёндашувлардаги ғоялар, хулосаларга ҳам асосланади. Мазкур ёндашувлар миллатлараро муносабатлар "соф миллий" ёки "соф сиёсий" масала бўлмай, улар бутун ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ ҳодиса эканини исботлайди.

Этномаданий концепцияларда миллатлараро муносабатларни ўрганишда



миллатнинг, халқнинг тил, турмуш-тарзи, урф-одатлари, характерига оид хусусиятлари, мулоқот маданияти, кийиниши каби белгиларга эътибор қаратилади. Айнан ушбу этномаданий белгилар этноснинг асосий ижтимоий хусусиятлари сифатида миллатлараро муносабатларга таъсир этади. Ҳеч бир миллат ушбу белгиларисиз яшашини, мавжудлигини, ички ва ташқи сиёсатдаги ўрнини тасаввур этолмайди.

Этномаданий белгиларни менсимаслик, камситиш мудом миллий низоларни, тўқнашувларни келтириб чиқарган. С.Хантингтон "маданиятлар тўқнашуви" тўғрисида сўз юритганида, Фарб ва Шарқ маданиятларидаги фарқлар, айниқса, Фарб томонидан Шарқ маданиятини менсимаслик, ўзини Шарқдан устун қўйишга интилиши турли низоларга сабаб бўлишини башорат қилади. Масалан, С.Хантингтон дунёда кечаётган глобал жараёнларда тил, истъомол, дам олиш, иқтисодий ҳамкорлик, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқий илм-фан соҳаларида халқларнинг бир-бирига яқинлашуви, "универсал цивилизация" юзага келаётганини қайд этади. Мазкур жараёнлар миллатлараро муносабатлардаги "универсал қадриятлар"ни излашга мажбур қилади.

Шу билан бирга С.Хантингтон Фарб таъсиридан қочиш, яъни "универсал цивилизация", "бир бутун глобал жамият" қуришга қарши миллий негизга, урф-одатларга, этник хусусиятларга, эътиқодга ва нормаларга қайтиш жараёнлари ҳам авж олиб бораётганини таъкидлайди[14].

Этнопсихология атамаси XIX асрнинг иккинчи ярмида немис файласуфи Г.Штейнтал ва немис тилшуноси М.Лоцаруслар томонидан фанга киритилган. Дастлаб, бу фан этнография ва антропология фанлари асосида майдонга келган бўлсада, кейинчалик ижтимоий психология ва этнография заминида махсус фан сифатида шаклланиб, ўз илмий муаммолари, мақсади, методи ва тушунчаларига эга бўлган[15]. Айни шу маънода, этнопсихологик концепцияларда асосий эътибор миллий хусусиятларга, менталитет, миллий характер, миллий дунёқараш, индивидуаллик ва жамоавийлик, мулоқот усулларига, у ёки бу қадриятларга муносабат, идентификация ва ижтимоийлашув, беғамлик ва агрессивлик, адаптация ёки инновацияга мойиллик каби маънавий-руҳий масалаларга қаратилади.

Миллатнинг шаклланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга, шубҳасиз, аммо улар миллатнинг абадийлигини таъминлашнинг мезони эмас. Улар миллат тараққиёти учун ташқи шарт-шароит ҳисобланади. Миллатнинг абадийлигини, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларининг ички маънавий-руҳий, этнопсихологик ҳолатидир. Миллатларнинг салоҳияти, қобилияти, матонати, тадбиркорлиги ва тинимсиз меҳнати, ҳозирги замон цивилизациясига мослашиб бориши, моддий ва маънавий маданияти, уларни бойитиб бориш ва ривожлантириш йўллари ва усуллари миллатларнинг абадийлигини таъминлайди.

Миллатлар этнопсихологик нуқтаи назардан беш гуруҳга ажратилади:

а) буюк миллатлар (хитойлар 1 млрд бир юз олтмиш миллион; ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар - ҳар бири юз миллиондан ортиқ);

б) катта миллатлар(50 миллиондан 100 миллионгача - инглизлар, французлар, испанлар, немислар, турклар ва бошқалар);

в) йирик миллатлар (ҳар бири 10 миллиондан 50 миллионгача - ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва бошқалар);

г) ўрта сонли миллатлар (ҳар бири 1 миллиондан 10 миллионгача - тожиклар, қирғизлар, туркманлар ва бошқалар);

д) кичик миллатлар (ҳар бири бир неча ўн мингдан миллионгача - ингушлар, абхазлар, қорақолпоқлар ва бошқалар).

Жаҳондаги энг йирик 27 та миллат ер юзи аҳолисининг 75 фоизини ташкил қилади. Бурақам озчиликни ташкил этувчи миллатларнинг нақадар кўплигидан далолат беради[16].

Трансцендентал ёндашувларга миллатни, халқни илоҳийлаштириш, яъни уларнинг генезисини, ижтимоий-сиёсий борлиқдаги ўрни ва функцияларини "реалликдан ташқарида" излаш хосдир. "Трансцендент" сўзи "мавжудликдан ўтган", "ташқарида" деган маъноларни англатади. И.Кант инсон онгининг назарий ақлдан юқори, трансцендентал билиш қобилиятимавжудлиги ва бу қобилият тафаккур билан эмас, балки инсон қалби, эътиқоди ва абадият ғоялари билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрларни олдинга сурган.Лекин у шу қобилиятнинг ички механизмини очишга қийналган ва уни баъзан "ғира-шира тасаввурлар", баъзан "самарали тасаввурлар" деб атаган. Трансцендентал ёндашув миллатлараро муносабатларда - миллатни бошқа этнослардан фарқ қиладиган трансцендент ҳодиса эканлигини билиш ва унинг ғояларига мутлақ бўйсунушга асосланадиган "анъанавий тартибот"ни қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратади.

Г.К. Кибасова фикрига кўра: "Этнос, бу - ўзини ўзи ташкил қилиш қонунларига биноан ривожланувчи, жонли, ўзгарувчан тизимдир. Генетик хилма-хилликнинг сақланиши қонуни ўзининг ҳар бир янги босқичида ички тартибнинг ўзгаришини талаб қилади. Этносларнинг ибтидоий воқелиги ландшафтли ҳаёт (ландшафтда ҳаёт кечириш) шароитларига тўлалигича боғлиқ эди. Этнос - элатларнинг давлатга айланиши учун маънавий, маданий бирликнинг шаклланиши зарур эди ва бунда этник ўзликни англашнинг алоҳида роли намоён бўлади. Этнос-миллатлар этнос тузилиш жараёни параметрларини (ижтимоий стратификация, миллий элиталар, партиялар, миллий ҳаракатларнинг шаклланиши) биринчи ўринга чиқарадилар. Ривожланишининг ҳар бир босқичида этнос ўзининг моддий (табiiй-биологик) ва маънавий (тил, маданият, ўзликни англаш) параметрларининг бирлигида гавдаланади"[17].

Мультикультурация ғояси моҳиятан этномаданий концепцияга яқин. Ушбу концепцияда этномаданий жараёнлардаги табiiй интеграция эмас, балки миграция жараёнида ҳосил бўлган, чет элларда яшаётган маълум бир субъектив сабабларга кўра, титул миллат маданиятига сингиб кетолмаётган этник гуруҳларнинг маданий ассимляциялашуви назарда тутилади. Мазкур ғоя тарафдорлари Уилл Кимилика, У. Тейлор, Б.Барри, Н.Глейзер кабилардир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин энгил ҳаёт излаганлар Европа ва Америкага

кўчиб кела бошлади. Натижада П.Бьюкенен ёзишича, тез орада Европани келгиндилар босиб олади, баъзи давлатларда улар сони 50 фоизга етади[18]. 1990 йили Европага кўчиб борган мусулмонлар сони 29 миллион 650 минг, 2010 йили 44 миллион 138 минг кишини ташкил қилган, 2030 йилга бориб у 58 миллион 209 минг кишига етади[19]. Мазкур реалликни депортация орқали эмас, этномаданий яқинлашув ёки этник гуруҳлар маданиятини титул миллат маданиятига уйғунлаштириш муаммоси кун тартибида турибди.

Бизга маълумки, этнос, халқ ижтимоий борлиққа муносабатларини ҳуқуқлари орқали ифода этади. Демократик давлатларда айнан Конституция (Асосий Қонун) ва унга таяниб ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунлар этноснинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини, ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" (7-модда); "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади"; "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар" (2-модда). "Жамият ва давлат сиёсатининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади" (9-модда). "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади" (12-модда)[20]. Мазкур моддаларда Ўзбекистон халқи ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлари, ушбу муносабатларнинг асосий принциплари белгилаб берилган. Мазкур ҳуқуқлар этноснинг, миллатнинг узоқ ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида эришган ютуқлари квинтэссенциясидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Артановский С.Н. Зарубежные концепции этничности: методологические проблемы исследования истории культуры. -Ленинград: ЛГИК, 1982. -С. 100-107.
2. Гегель. Политические произведения. -Москва: Наука, 1978. -С. 184.
3. Гегель. Политические произведения. -Москва: Наука, 1978. -С. 181-183.
4. Гегель. Политические произведения. -Москва: Наука, 1978. -С. 180.
5. Поппер К. Открытое общество и его враги.Т.2. -Москва: Культурная инициатива, 1992. -С. 53.
6. Поппер К. Открытое общество и его враги. -Москва: Культурная инициатива, 1992. -С. 57.
7. Поппер К. Открытое общество и его враги.Т.2. -Москва: Культурная инициатива, 1992. -С. 39, 63-64.
8. Платон. Избранное. -Москва: АСТ, 2004. -С. 200, 210.
9. Макиавелли Н. Государь -Москва: АСТ, 2005.- С. 7,9,42.
10. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. -Ташкент: Фан, 1998. -С. 50.
11. Полян П. Не по своей воле. История и география принудительных миграций в СССР. -Москва: Мемориал, 2001. -С. 246-248.

12. Бьюкенен П. Смерть Запада. - Москва: АСТ, 2001. - С. 19-37.
13. Пўлатов А. Марказий Осиёда этносоциал муносабатлар: назарияси, муаммолари, ечимлари. Фалсафа фан. доктори... диссертация, - Тошкент: 2002; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов, - Тошкент: Шарқ, 2005.
14. Хантингтон С. Столкновение Цивилизаций. - Москва: АСТ, 2005. - С. 74-79.
15. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 13-том. - Тошкент: 1979. - 311 б.
16. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. - Тошкент: Шарқ 1998. - 120-121 б.
17. Кибасова Г.П. Этническое пространство России: социально-философский анализ. Автореф. д.ф.н. Волгоград: ВГМУ, 2004. С. 36-37.
18. Бьюкенен П. Смерть Запада - Москва: АСТ, 2003. - С. 47.
19. [http:// www.pewforum.org/2011/01/27/future-of-the-global-muslim-population-regional-europe/](http://www.pewforum.org/2011/01/27/future-of-the-global-muslim-population-regional-europe/).
20. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2020. - 4-5 б.